

Hasankhan Yahya ABDULMAJID,
*Doctoral Student, International
Islamic Academy of Uzbekistan.
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan
E-mail: Al-mugriy@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2023-3/13

“РАСМ АЛ-МУСҲАФ” ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

“RASM AL-MUSHAF” AND ITS SPECIFIC ASPECTS

“РАСМ АЛ-МУСҲАФ” И ЕГО СПЕЦИФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ

КИРИШ

Маълумки Усмон мусҳафлари ҳаракат ва нуқталардан холи суратда ёзилган. Бир гуруҳ олимлар саҳобалар “расм ал-мусҳаф” барча қироатларга мос келиши учун шундай қилинган, деган фикрни илгари суради. Бироқ, араб ёзуви тарихидан маълумки, у пайтларда араб ёзувида ўзи нуқта ва ҳаракатларни қўллаш муомалада бўлмаган. Шу билан бирга, бу гап мусҳаф ёзуви қироатларга мос ёзилганини инкор этмайди. Бошқача қилиб айтганда, иккала ҳолат – “расм ал-мусҳаф”нинг ўша пайтдаги имло қоидаларига мувофиқ бўлиши ва унда қироатлардаги хилофларга риоя этилиши бирлаштирилган.

Бугунги кунда қўлда ёзилган мусҳафлар бўлсин, матбаада чоп қилинаётганлари бўлсин, асосан Усмон мусҳафидаги “расм ал-мусҳаф”га кўра нашр қилинади. Фақат белгиларни қўйишда маълум бир қироатга кўра иш қўрилади. Масалан, биздаги, шунингдек, дунёдаги аксар мусҳафларда нуқта, ҳаракат ва бошқа белгилар Ҳафснинг Осимдан ривоят қилган қироатига мувофиқ битилади. Бошқа қироатларнинг мусҳафларини ҳам топиш мумкин.

Маълумки, Қуръони карим очиқ-равшан араб тилида нозил бўлган. Бу ҳақда қатор оятлар бор, ақлий-нақлий далиллар етарли. Бироқ, араб тилида қадимдан турли лаҳжалар мавжуд экан, Қуръон араб тилининг қайси лаҳжасида нозил бўлган, деган савол туғилиши табиий. Баъзи бир уламолар бу саволга “Қуръон фақат Қурайш лаҳжасида нозил бўлган, чунки, Расулulloҳ (с.а.в.) шу қабиладан бўлганлар”, деса, бошқалар

Қуръон бошқа лаҳжаларни ҳам қамраганини таъкидлайдилар.

Бир қатор катта саҳобаларнинг гапларида Қуръон Қурайш лаҳжасида нозил бўлгани очиқ айтилган. Лекин Қуръонда бошқа лаҳжалар ҳам акс этгани айтилган ҳақиқат. Масалан, Қурайш лаҳжасида сўз ўртасида ҳамза бўлмаган, аммо қироатларда ҳамза бор. Шу боис, уламолар саҳобаларнинг “Қуръон Қурайш лаҳжасида нозил бўлган”, деган гапларини “кўп қисми, асосий қисми” ёки “дастлаб”, деган маънода тушуниш керак, дейдилар. Аммо, бу гап мусҳафнинг Қурайш луғатига мувофиқ ёзилганини рад этмайди.

Абу Амр Доний айтади: “Бироқ, “расм ал-мусҳаф”нинг аксари таҳрифда (яъни ҳамзасиз) ёзилган. Бунинг сабаби – Усмон розияллоҳу анҳу замонида мусҳафларни кўчиришга масъул қилинган кишилар қурайш бўлганлар. Шунинг учун ҳам кўп ҳамзалар тасхил – ҳамзани унли билан ифодалаш ила ёзилган. Зеро, уларнинг табиий кўникмаларида шу нарса ўрнашган эди, тиллари шунга ўрганган эди”.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, Қуръони карим Қурайш лаҳжасида нозил бўлган ва шунга мувофиқ “расм ал-мусҳаф”да ёзилган ҳамда етти ҳарфга рухсат берилиши орқали бошқа араб лаҳжаларида ҳам қироат қилинган. Бу албатта таълими берилган ўша етти ҳарф доирасида бўлган, ҳар ким ўз лаҳжасидан келиб чиқиб ўзича ўқийвермаган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қуръони карим Набий (с.а.в.) замоналарида етти ҳарфда ёзилган деган гап йўқ. Бироқ, Абу Бакр саҳифаларида етти ҳарф инobatга олинганини бир гуруҳ салаф уламолар таъкидлаганлар. Абу Амр Доний “Мукне”да буни очиқ айтган ва бу асарни назмга солган имом Шотибий ҳам шу фикрни қувватлаган. Бироқ, Жаъбарий Шотибийнинг ўша байти шарҳида: “Лекин Абу Бакр ва Зайд розияллоҳу анҳумонинг сўзларида бу маъно очиқ айтилмаган, балки уларнинг гапларининг сиёқидан шу тушунилган”, дейди.

Усмон мусҳафларининг етти ҳарфни ўз ичига олганига келсак, бир гуруҳ уламолар бу мусҳафлар фақат битта ҳарфда ёзилган, қолган олти ҳарф амалдан қолган, деса, кўпчилик уламолар уларда етти ҳарфнинг барчаси ёки “расм ал-мусҳаф” кўтаргани ўз ифодасини топ-

Аннотация. “Расм ал-мусхаф” деганда Халифа Усмон ибн Аффон бошчилигида кўчиртилган мусхафларнинг имло услуби назарда тутилади. “расм ал-мусхаф”нинг аҳамияти шундаки, қадимдан барча мусулмон улмолари Қуръони каримни фақатгина ушбу имло йўсинида ёзиши вожиблигини таъкидлаб келганлар. Бироқ, ушбу имло ваҳий орқали қайд этилганми ёки саҳобаларнинг билимлари асосидами, деган фикрда олимлар турчила фикр билдирганлар. Кўпчилик Қуръон имлоси саҳобаларнинг билим ва тажрибалари асосида, айни вақтда ваҳий назоратида вужудга келганини таъкидлайди. Ушбу фикр илмий асосга эга.

“расм ал-мусхаф”нинг эжорий имлодан фарқли жиҳатлари мавжуд бўлиб, бу фарқлиликни тадқиқотчилар турлича изоҳлаганлар:

1. Айрим олимлар, жумладан, кўпчилик шарқишунослар “расм ал-мусхаф”даги хусусиятларни саҳобаларнинг хатни яхши билмаганлари сабабли вужудга келган, деган даъвои қилган. Бу фикр илмий қийматга эга эмас.

2. Бир гуруҳ олимлар “расм ал-мусхаф”нинг хусусиятларини илоҳий сир-асрорларга боғлаб, уларни ботиний изоҳлашга уринганлар ва бу масалада чуқур кетганлар. Бу фикр ҳам илмий асосга эга эмас ва қоидага тўғри келмайди.

3. “расм ал-мусхаф”да кузатиладиган хусусиятлар ўша даврдаги имло қоидалари ва кўникмаларининг тақозосибўлган. Қадимгимутахассис олимлар ва замонавий тадқиқотчиларушбу фикрни қўллаб-қувватлаган. Илмий изланишлар ҳам шунини исбот этади.

Калим сўзлар: Қуръони карим, Усмон мусхафлари, “расм ал-мусхаф”, “расм ал-мусхаф” хусусиятлари, ваҳий, ҳазф, зиёда, бадал, ҳамза, фасл ва васл.

Abstract. “Rasm al-Mushaf” refers to the spelling style of the Mushafs copied under the leadership of Caliph Uthman ibn Affan. The importance of “Rasm al-Mushaf” is that since ancient times, all Muslim scholars have emphasized that it is obligatory to write the Holy Qur’an only in this spelling. However, scholars differed on whether this spelling was recorded through revelation or based on the knowledge of the Companions. Many argue that the spelling of the Qur’an was created based on the knowledge and experience of the Companions and at the same time under the control of revelation. This opinion has a scientific basis.

There are aspects of “Rasm al-Mushaf” that are different from the current spelling, and researchers have interpreted this difference in different ways:

1. Some scholars, including many orientalis, claimed that the features in “Rasm al-Mushaf” were created because the Companions did not know writing well. This opinion has no scientific value.

2. A group of scholars connected the properties of “Rasm al-Mushaf” to divine mysteries and tried to explain them internally and went deep into this issue. This opinion also has no scientific basis and does not correspond to the rule.

3. The characteristics observed in “Rasm al-Mushaf” were the requirements of the spelling rules and skills of that time. Ancient expert scientists and modern researchers supported this idea. Scientific research also proves this.

Keywords: Holy Qur’an, Mushafs of Uthman, features of “Rasm al-Mushaf”, “Rasm al-Mushaf”, revelation, half, ziyada, badal, hamza, fasl, and wasl.

Аннотация. Под “Расм ал-мусхаф” следует понимать способ имло для переписывания Корана при халифе Усмани ибн Аффоне. Значение расми хата в том, что издревде все мусульманские улемы утверждают, что запись Священного Корана должна производиться только этим имло. Однако ученые разошлись во мнениях относительно того, было ли это имло записано через откровение или на основе знаний сподвижников. Многие утверждают, что мусхаф Корана был создан на основе знаний и опыта сподвижников и в то же время под контролем откровения. Это мнение имеет научное обоснование.

Расми хат отличается в аспектах от нынешних имло, и это различие исследователи толкуют по-разному:

1. Некоторые ученые, в том числе и множество востоковедов, утверждали, что особенности расми хат возникли потому, что асхабы не очень хорошо владели письмом. Это утверждение не имеет научной ценности.

2. Одна группа ученых связала особенности расми хат с божественными тайнами и попыталась их внутренне истолковать и углубилась в это дело. Это мнение также не имеет научной основы и не соответствует правилу.

3. Особенности, наблюдаемые в расми хат, диктовались правилами и навыками правописания того времени. Древние специалисты и современные исследователи поддерживали эту идею. Научные исследования также доказывают это.

Ключевые слова: Священный Коран, мусхафы Усмана, расми хат, особенности расми хат, вахи, ҳазф, излишек, бадал (эквивалент), ҳамза, фасл и васл.

ган, дейдилар. Муҳаккиқ тадқиқотчи олимлар сўнги фикрни қувватлайдилар. Бу ўринда “расм ал-мусҳаф” деганда Расулulloҳ (с.а.в.)нинг хузурларида асослари битилган мусҳаф ёзуви назарда тутилади.

МУҲОКАМА

Саҳобалар замонидан бугунги кунгача жумхур уламолар Куръони каримни мусҳафи усмоний “расм ал-мусҳаф”ига мувофиқ ёзиш вожиблигига ижмо қилиб келаганлар. Шундан келиб чиқиб, бир гуруҳ мутааххир уламолар “расм ал-мусҳаф”ни тавқифий, деган фикрни ҳам илгари сурган. Бу борада илк бор очик сўз сурган олим Абдулазиз Даббоғ бўлиб, унинг гапини шогирди Аҳмад ибн Муборак устозидан эшитганларини жамлаш учун ёзган “ал-Ибриз” номли китобида нақл қилган. Замонамизнинг кироат илми бўйича энг кўзга кўринган олимларидан бири, Куръон илмлари бўйича академик устоз Доктор Айман Рушдий Сувайд ҳам “расм ал-мусҳаф”ни тавқифий деб айтади. Бироқ, бу хилофли масала бўлиб, кўпчилик мутахассислар “расм ал-мусҳаф” тавқифий эмас, ижтиҳодий, деган фикрни қувватлайди. Улар бу сўзга қатор далилларни келтиришади. Жумладан, айрим саҳобаларнинг шахсий мусҳафларидаги фарқлилик, хусусан, “Имом мусҳаф”лар ўрта-сидаги турлиликни ҳам “расм ал-мусҳаф” ижтиҳод асосида ёзилганига ҳужжат, дейдилар. Қарши тараф эса бу далилга ўша хилофлар ҳам тавқифий, Расулulloҳ (с.а.в.)дан нақл қилинган, деган жавобни беради. Бироқ, мусҳаф ёзилиши тарихини ўрганган киши илгариги манбалардан “расм ал-мусҳаф”ни тавқифий эканига ишора қиладиган бирор очик далил топа олмайди, қадимги уламолардан бирортаси бу гапни айтмаган.

Бизнингча, бу икки фикрни қуйидаги нуқтага бирлаштириш мумкин: “расм ал-мусҳаф”и тавқифий бўлмаса-да, яъни Набий (с.а.в.) калималарни қандай ёзишни худди талаффузини ўргатгандек ҳарфма-ҳарф ўргатган бўлмасалар-да, уларнинг ваҳий соҳиби хузурида, ваҳий назоратида ёзилган бўлишининг ўзи катта аҳамият касб этади. Расулulloҳ (с.а.в.)нинг ёзилган оятларни котибга қайта ўқитиб, тўғрилатганлари ҳақидаги хабарлар сўзимизни қувватлайди. Бошқача қилиб айтганда, “расм ал-мусҳаф” тақририй суннат билан қувватланган,

дейиш мумкин. Шунинг учун ҳам саҳобалар кироат мусҳафни айнан Пайғамбаримиз хузурида ёзилган битиклардан кўчиришган ва ушбу хатни имкон қадар ўзгартирмасликка ҳаракат қилишган. Шу билан бирга, зарурат бўлганда, муаммоли ўринларда ижтиҳод билан иш кўрган бўлишлари мумкин.

Мусҳаф “расми” тавқифий ёки ижтиҳодий бўлишидан қатъий назар, мусҳаф котиби унга риоя этиши лозим деб қаралгани боис уламолар уни ўта синчковлик билан, атрофлича ўрганиб, тадқиқ этганлар. “расм ал-мусҳаф”ида айрим калималар ўзига хос суратда ёзилган бўлиб, одатдаги имлодан фарқ қилган. Хусусан, тилшунослар имлога тузатиш киритиб, уни ривожлантирар эканлар, мусҳаф ёзувининг истеъмолдаги имлодан фарқи ортиб борди. Уламолар мусҳаф калималарини ўзгаришсиз сақлаб қолиш илинжида уларни мусҳафларга айнан “расм ал-мусҳаф”даги суратда кўчириш билан бирга, ўша фарқларни ўта катта аниқлик билан ўрганиб, нақл қилиб, шу мавзуда асарлар ярата бошладилар. Ҳамза ибн Ҳабиб Зайётнинг: “Мусҳафга кўп боққанимдан ҳатто кўзимдан айрилиб қоламанми, деб кўрқдим”, деган сўзи тадқиқотчи олимларнинг бу борада қанчалар катта меҳнат қилганларига бир мисол бўлади. Бу мавзудаги тадқиқотлар натижасида исломий илмлар майдонида ўзининг хос манбаларига, илмий асарларига эга янги бир фан – Мусҳаф расми илми вужудга келди.

“Расм ал-мусҳаф” илми қандай шаклланиб, ривожлангани ҳақида унинг манбаларининг тарихини ўрганиш орқали тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Хат нутқнинг ёзувдаги ифодаси экан, у оғзаки нутққа мувофиқ бўлиши керак. “расм ал-мусҳаф”и ҳам ушбу қонуният устига қурилган бўлса-да, айрим калималар қиёсий қоидага хилоф тарзда ёзилган. Бунда ҳам ўзига хос асос ва мақсадлар бўлган, албатта. Шу боис, уламолар “расм ал-мусҳаф”ини ўрганибгина қолмай, унинг хусусиятларини изоҳлашга ҳам урунишган. Дастлабки муаллифлар “расм ал-мусҳаф”ни нақл қилиш билан чекланишган. Балки бу ҳол мусҳафдаги айрим калималарининг ўзига хос суратда ёзилишининг сабаблари уларга маълум бўлганидандир. Ёки улар “Бу мавзуни очишга ҳожат йўқ, мусҳаф расми қиёсий эмас, унга эргашилади, борица кўчирилади, уни изоҳлашга вақт сарфламасдан, бошқа зарурроқ илмлар билан

шуғилланиш керак”, деган фикрни олға суришган бўлишлари ҳам мумкин. Бироқ, бешинчи-олтинчи ҳижрий асрларга келиб, олимлар мусхаф расми хусусиятларини изоҳлашга эътибор қарата бошладилар. Ҳижрий ўрта асрлардан кейин айрим муаллифлар бу мавзуга кўпроқ тўхталиб, узундан-узун баҳслар олиб бордилар. Умуман олганда, бу борадаги қарашларни уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Мусхаф котиблари хат қоидаларини яхши билмаганларидан айрим сўзларни хато ёзишган, чунки уларнинг замонида саводли кишилар кам бўлган, имло қоидалари ҳали яхши шаклланмаган бўлган. Шунинг учун бир калимани икки жойда икки хил ҳам ёзишаверган.

Бу фикр эгаларининг сўзларига кўра, котиблар хатни яхши билмаганидан Қуръонни кўчиришда имловий хатоларга йўл қўйишган. Мусхафдаги айрим сўзлар ёзувидаги нутққа зид ифодалар ана шу ҳолатнинг натижасидир. Бироқ, Қуръонни нақл қилишда асосан оғзаки таълимга суянилгани учун, ёзувда хато бўлса ҳам, устознинг таълими асосида тўғрилаб ўқиб келинган.

Тилшунослардан Яҳё ибн Зиёд Фарро (ваф. 207 х), кейинроқ Ибн Қутайба (ваф. 276 х), Ибн Халдун (ваф. 808 х) ва бошқалар шу фикрни илгари суришган. Аммо айрим замонавий олимлар бу фикр мавзунини яхши ўрганмасдан айтилган асоссиз ва бирёклама бўлганини таъкидлайдилар. Бу ҳақда Ғоним Қаддурий қуйидагича хулоса келтиради:

“Хулоса қилиб айтганда, “расм ал-мусхаф” сурати хусусидаги ушбу қараш араб ёзуви тарихи борасидаги қосир тасаввур, хатнинг табиати ва унинг асосларини яхши билмасликдан келиб чиққан. Тадқиқотчи “расм ал-мусхаф”ини ўрганар экан, бу фикрдан узоқ бўлиши лозим. Чунки бу қарашлар “расм ал-мусхаф” суратини тўғри англашдан тўсади ва саҳобалар Қуръони карим Набий (с.а.в.)нинг хузурларида ёзганларида, саҳифаларга жамлаганларида ва мусхафларни кўчирганларида хато ёзишган, деган айбни нисбат беришга олиб келади. Ҳолбуки, улар ёзган битикларида ниҳоятда аниқлик билан иш кўришган, оғзаки нутқда васл ва вақф талабларини ҳеч бир ҳаддан ошиш ёки нуқсонга йўл қўйишга ўрин бермай бажо келтиришган”.

Ғоним Қаддурий бу сўзини китобнинг кейинги саҳифаларида далиллар билан асослаб беради.

Дарҳақиқат, саҳобалар Қуръони каримни дастлаб Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг хузурларида тўла ёзиб, кўриқдан ўтказиб, вақти-вақти билан қайта кўриб ҳам чиқишган. Абу Бакр розияллоху анхунинг даврларида Қуръонни тартибланган саҳифаларга жамлашда ҳам катта илмий ҳаракатни амалга оширишган. Усмон мусхафларини ёзишда эса янада аниқлик билан, ҳар бир сўзни алоҳида эътибор, маслаҳат билан кўчиришган ва мусхафлар устида қайта-қайта кўриқдан ўтказиш, солиштириш ишлари олиб борилган.

2. “Расм ал-мусхаф”даги нутққа мувофиқ кўринмаган ёзувларда махфий сир-асрорлар бор бўлиб, уларни тўлиқ англашдан ақл ожиз ҳисобланади. Илло, қалб кўзи очиқ кишиларгина, Аллоҳ билдирган зотларгина хатдаги ботиний маъноларни баҳоли қудрат билишлари мумкин ёхуд илоҳий кашф билангина бунга етилади.

Нима бўлганда ҳам, тилшунослик ёндашуви намоёндалари ўз фикрларини қувватлаш учун қатор далиллар келтиришга ҳаракат қилишган, шу мавзуда алоҳида асарлар ёзишган. Бу ёндашувнинг энг катта етакчиси Ибн Банно Марокаший (ваф. 721 х) ҳисобланади. Бадриддин Заркаший (ваф. 794 х) “Бурҳон”да, Жалолиддин Суютий (ваф. 923 х) “Итқон”да айрим калималарнинг маънавий таъвилини нақл қилган.

Ибн Банно Марокаший ўзининг “Унвон ад-далил фи марсуми хат ат-танзил” номи китобида “расм ал-мусхаф”га маънавий таъвил бериш борасида маълум қоидалар тақдим қилишга уринган. Бироқ, уларнинг аксари равшан далилга суянмаган. Баъзан гап ниҳоятда чуқурлашиб, мақсаддан узоқлашиб ҳам кетилган. Аммо “расм ал-мусхаф” хусусиятлари бежиз бўлмай, маълум асосларга таянганига ишонч ва уларни ўрганишга бўлган илмий ҳаракатлар янги тадқиқотларга туртки бўлди, олимларни “расм ал-мусхаф”ни тилшунослик нуқтаи назаридан изоҳлашга ундади.

3. Мусхаф ўша давр имло қоидаси асосида ёзилган бўлиб, саҳобаи киромлар мусхафни ёзишда мавжуд қоидалар имкониятидан энг юқори даражада фойдаланганлар. Мусхафда айрим калималарнинг умумий қоидадан истисно равишда ўзига хос суратда ёзилиши билимсизлик, эътиборсизлик ёки шунчаки эмас, балки аниқ мақсадларга асослангандир.

Бинобарин, саҳобалар мусҳафни ёзишда хатога йўл қўйишган, деган қараш билимсизликдан бошқа нарса эмас. Расми хусусиятларини чуқур ўрганган киши ушбу хулосага келиши аниқ.

НАТИЖА

“Расм ал-мусҳаф” хусусиятларини англаш учун ўша давр имлосини ўрганиш даркор. Зеро, Қуръон котиблари уни ўз даврларидаги имло қоидалари асосида ёзганлар. Кўпчилик билган имло қоидалари эса иккинчи-учинчи ҳижрий арсларда шаклланган.

Саҳобаи киромлар мусҳафда Қуръони каримни Расулуллоҳ (с.а.в.)дан қабул қилганларидек ифодалаш учун бор билимларини ва ёзув имкониятларини сафарбар қилганлар. Улар ўз завқлари, англашмалари асосида айрим калималарда янада аниқликни ифодалаш учун баъзан одатий имло қоидаларидан ҳам хатлаб ўтганлар. Шу аснода улар хатни ҳам сезиларли даражада ислоҳ қилиб, ривожлантирганлар. Бу сўзлар шунчаки қарашлар эмас, балки имлий асосга эга хулосалардир.

Бу мазҳаб эгалари “расм ал-мусҳаф” хусусиятларини тилшунослик нуқтаи назаридан, имло қоидалари ёрдамида изоҳлайдилар. Аслида бу қараш “расм ал-мусҳаф” хусусиятлари борасидаги энг қадимги, дастлабки фикр бўлиб, кўпчилик соҳа мутахассислари тарафидан илгари сурилган. Бироқ, ҳижрий ўрта асрларда илгарги икки мазҳаб фикри кенгроқ ёйилган. Замонавий тадқиқотлар эса айнан ушбу учинчи мазҳаб фикрини қувватлайди ва олдинда бўлмаган, сўнги йилларда топилган қазилмалар орқали эришилган илмий ютуқлар билан масалани яна ҳам очиқлайди.

XULOSA

Хулоса сифатида қуйдагиларни айтиш мумкин:

1. На қадимда, на ҳозирда ёзув нутқни тўлатқис ифода этган. Яъни қадимги хатларда ҳам, ҳозирги алифболарда ҳам оғзаки нутқ билан ёзув тўлиқ бир-бирига тушмайди. Қайсидир ҳарфлар ёзлади, аммо ўқилмайди, яна қайсидир ўринларда бир ҳарф ёзилиб, бошқа нутқ товуши талаффуз этилади. Бу ҳолат барча тилларнинг имлосида бор. Аниқса, инглиз ва рус тилларида бунинг сон-

саноксиз мисолларини кўриш мумкин. Лекин буни ҳеч ким хато ёки айб демайди, балки ёзувнинг бор имконияти ўзи шу деб қабул қилинади.

Мусҳаф имлосида ҳам мазкур ҳодиса бор, гарчи ўша даврдаги ёзув имкониятлари юқори даражада ишга солинган бўлса ҳам. Аммо ўқишдаги кўникма ва таълим бу кемтикни тўлдириб келган. Зотан, Қуръони карим аввало оғзаки нақл асосида ўргатилган ва ўрганилган.

2. Айрим калималарни ёзишдаги турлилик хато ҳисобланмайди. Мусҳафда баъзан бир турдаги калималар бир жойда бошқача, иккинчи ўринда бошқача ёзилганини, юқорида ишора қилинганидек, айрим олимлар янглишиш деб қараган. Аслида эса бир сўзни ёки ҳарфни икки-уч хил ёзиш ҳеч қандай хато эмас, балки оддий ҳолат, барча имлоларда бор. Бугунги замонавий ёзувларда ҳам бундай қоида бор. Масалан, ҳозирда асарларда “иймон” сўзи й билан ҳам, й ҳарфисиз “имон” шаклида ҳам ёзилмоқда. Саҳобаи киромлар ёзган имлода ҳам ана шундай ҳолат мавжуд бўлган. Бироқ, саҳобалар бундай пайтда икки хил кўринишдан бирини танлашда ҳам ўта аниқлик билан иш қилишган. Масалан, айрим сўзларни васлга қўра, айримларини вақфга биноан ёзишган ва асосан Набий (с.а.в.)нинг ҳузурларидаги суратни сақлаб қолишга интилишган.

3. Мусҳафларнинг ёзилиш жараёнини ўрганилса, шу нарса маълум бўладики, саҳоби киромлар Қуръони карим ва унинг қироатларини ёзувда ифода этишда ўша даврдаги араб ёзувининг барча имкониятларини юқори даражада ишга солишган. Имом Доний бу ҳақда шундай дейди: “Салафлар – уларга Аллоҳнинг розилиги бўлсин – мусҳафдаги ҳар бир шакл, ҳар бир нуқтада қайсидир маънода тўғри бир асосга суянишган ҳамда тил ва қиёсани ишга солишган. Зотан, уларнинг илмлари, фасоҳатдаги мақомлари шуни тақозо қилади. Буни билган билади, билмаган билмайди. Фазл Аллоҳнинг қўлидадир, уни ўзи истаган кишига беради. Аллоҳ буюк фазл эгасидир”.

Ҳарфлар нутқ товушларини, нутқ товушлари сўзнинг маъноларини англатади. Бинобарин, аслида ҳарфлар билан нутқ товушларининг адади муштарақ бўлиши керак. Бироқ, қадимги араблар сўзлашда балоғату фасоҳат юзасидан гапни қисқа қилишга интилгани каби, имлода ҳам ёзувни имкон қадар ихчамлашга ҳаракат қилишган.

Шунинг учун улар қисқа унлиларни, ҳатто ҳарфларни фарқловчи нуқталарни ҳам ёзувда ифодалаб ўтирмаган. Баъзи ўринларда эса чўзиқ унлиларни ҳам тушириб қолдиришган. Шу билан бирга, ёзувда оғзаки нутқни ўз ҳислари, завқларига кўра тўлиқ ифодалашга ҳаракат қилишган.

Усмон мусҳафи расми “истилоҳий “расм ал-мусҳаф”” дейилади ва аксари қиёсий “расм ал-мусҳаф” имлосига мос келади. Фақат айрим ўринларда ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, буни “расм ал-мусҳаф” илми уламолари ўз асарларида баён қиладилар.

Саҳобалар Қуръони карим ўзлари ишлатиб юрган ёзувда ёзишган. Улар Қуръондан ташқари битимлар, мактублар ва айрим ҳадисларни ҳам айна хатда ёзиб юришган. Ўша хатларда ҳам мусҳафдаги каби айрим ҳарфларни тушириб қолдириш ёки зиёда қилиш ҳолатлари мавжуд бўлган. Саҳобалардан сўнг тобеинлар ва улардан кейингилар ҳам шу хат услубини барча муомалаларида ишлатиб юришган. Иккинчи ҳижрий асрга келиб, Басра ва Куфа тилшунослари тил қоидаларига кўра имлони такомиллаштиргач, ҳозирги китобат илми юзага келди ва уни қиёсий хат илми деб аташди.

Қиёсий хатга доир асарлар битилар экан, у билан ёнма-ён “расм ал-мусҳаф”га доир китоблар ҳам ёзила бошлади. Бу билан “расм ал-мусҳаф” асл ҳолатида сақлаб қолиши кўзда тутилди.

Ибн Дурусвайх (ваф. 346 ҳ) айтади: “Аллоҳ жалла жалолуҳунинг китобининг ҳарфлари бошқага қиёсланмайди ва уларга хилоф қилинмайди, деб топдик. Улар мусҳафда қандай қўйилган бўлса, ўша бўйи қабул қилинади”.

Уламолар имло ўзгарса ҳам, мусҳаф хатини ўзгаришсиз сақлашга қаттиқ туришган. Имом Моликдан: “Мусҳафни янги имлода ёзса бўладими?” деб сўрашганда, у киши: “Йўқ, у биринчи хатида ёзилиши керак”, деб жавоб берган.

Абу Ҳаён: “Китобат истилоҳи уч тур бўлди: аруз истилоҳи, мусҳаф истилоҳи ва бу иккисидан бошқа хатларда котиблар қабул қилган истилоҳлар. Шунинг учун ҳам: “Икки ёзув қиёс қилинмайди – мусҳаф ва аруз хати”, дейишган”.

Усмон мусҳафлари хусусияти беш гуруҳга ажратилади:

1. Ҳазф – ҳарфни тушириб қолдириш.
2. Зиёда – ҳарф қўшимча қилиниши.
3. Бадал – бир ҳарфни бошқага алмаштириш.
4. Ҳамзага доир ҳукмлар.

5. Фасл ва васл – калималарни ажратиб ёки бўлиб ёзиш.

Мутааххир уламолар олтинчи гуруҳни ҳам қўшишади, у ҳам бўлса, икки хил кироатдан бирида ёзилган калималар. Бироқ, бу гуруҳ калималар ўта оз бўлиб, уларда маълум қоида бўлмагани учун мазкур гуруҳлардан айри ҳолатда ўрганилади ва имлога оид ҳисобланмайди.

Мазкур беш гуруҳнинг ҳар бири бир нечта тармоққа бўлинади. Уларни қуйидаги жадвалда қўриш мумкин.

“расм ал-мусҳаф”га бағишланган асарларда фарқлар сўзма-сўз баён қилинади, қайси калима қайси мусҳафда қандай ёзилгани кўрсатилади. Бизнинг мақсадимиз мусҳафларни қиёслаш бўлгани боис, юқорида ўтган маълумотлар мавзунини тушунишга етарли деб ўйлаймиз.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Амр Усмон ибн Саъид Доний. (2010). Ал-Мукниъ: Дбрут-тадбурья.
2. Абу Қосим Муҳаммад ибн Фирруҳ ибн Халаф Шотибий. (2015). Ақилату атрббил-қасоид фй аснал-мақбсид. Дамашк: Дорул-Ғавсоний.
3. Бурҳониддин Иброҳим ибн Умар Жаъбарий. (2017). Жамйлату арбббил-марбсид фй шарҳи ақилату атрббил-қасбид. М. 2. Мадина: Жомиъату Таййиба.
4. Саййиди Аҳмад ибн Муборак Сижилмосий. (2002). Байрут: Ал-Ибрйз.
5. Доктор Айман Рушдий Сувайд. (2015). Абу Қосим Муҳаммад ибн Фирруҳ ибн Халаф Шотибий. Ақилату атрббил-қасбид фй аснал-мақбсид асарининг муқаддимаси. Дамашк.
6. Ғоним Қаддурй Ҳамад. (2016). Ал-Муяссар фй илми росмил-мусҳафи ва добтих. Жидда: Маъҳад ал-имам аш-Шотибий.
7. Ғоним Қаддурй Ҳамад. (2016). Ал-Муяссар фй илми росмил-мусҳафи ва добтих. Жидда: Маъҳад ал-имам аш-Шотибий.
8. Абу Амр Усмон ибн Саъид Доний. (1997). Ал-Мухкам фй нуқотил-Масбхиф. Дамашк: Дорул-фикр.
9. Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Жаъфар. (1921). Китобул-кутуб. Байрут: Ал-Аб Лавис шайхул-Ясўъ.
10. Абдурахмон ибн Абу Бакр Суютий. (1974). Ал-Итқон фй улумил-Қуръан. М. 4. Қоҳира: Ал-Ҳайъатул-мирсия. Ж. 1.
11. Абдуллаев А.Ғ., Раҳимжонов Д.О., Зиёдов Ш.Ю. (2015). Тошкентдаги Усмон мусҳафи. Тошкент: Мовароуннаҳр.
12. Шебунин А.Ф. (1892). Куфический Коран // ЗВОРАО Имп. СПб. Публичной библиотеки. Санкт-Петербург: Маркс.

REFERENCES

1. Abu Amr Uthman ibn Sa'id Dani. (2010). *Al-Muqni'*: Darut-tadbiriya.
2. Abul Qasim Muhammad ibn Firruh ibn Khalaf Shatibi. (2015). *Aqilatu atrabil-qasaid fi asnal-maqasid*. Damascus: Darul-Ghawsani.
3. Burhanuddin Ibrahim ibn Umar Ja'bari. (2017). *Jamilatu arbabil-marasid fi sharhi aqilatu atrabil-qasaid*. Vol. 2. Medina: Jami'atu Tayyiba.
4. Sayyidi Ahmad ibn Mubarak Sijilmasi. (2002). Beirut: Al-Ibriz.
5. Ayman Rushdi Suwayd. (2015). *Abul Qasim Muhammad ibn Firruh ibn Khalaf Shatibi. Aqilatu atrabil-qasaid fi asnal-maqasid asarining muqaddimasi*. Damascus.
6. Ghanim Qadduri Hamad. (2016). *Al-Muyassar fi ilmi rosmil-mushafi va dobtih*. Jeddah: Ma'had al-imam ash-Shatibi.
7. Ghanim Qadduri Hamad. (2016). *Al-Muyassar fi ilmi rasmil-mushafi va dabtih*. Jeddah: Ma'had al-imam ash-Shatibi.
8. Abu Amr Uthman ibn Sa'id Dani. (1997). *Al-Muhkam fi nuqatil-Masahif*. Damascus: Darul-fikr.
9. Abu Muhammad Abdullah ibn Ja'far. (1921). *Kitabul-kuttab*. Beirut: Al-Ab Lavis Shaykhul-Yasi'.
10. Abdurrahmon ibn Abu Bakr Suyutiy. (1974). *Al-Itqon fi ulymil-Qur'an*. M. 4. Qohira: Al-Hay'atul-mirsiya. J. 1.
11. Abdullayev A.G'., Rahimjonov D.O., Ziyodov Sh.Yu. (2015). *Toshkentdagi Usmon mushafi*. Toshkent: Movarounnahr.
12. Shebunin A.F. (1892). *Kuficheskiy Koran // ZVORAO Imp. SPb. Publichnoy biblioteki. Sankt-Peterburg: Marks.*

